



## **МУНДАРИЖА:**

**I. ХАРИД ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА**

**II. ТЕХНИК ҚИСМИ**

**III. НАРХ ҚИСМИ**

**IV. ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ**

# I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

## 1-БОБ. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Мазкур харид ҳужжати Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойихаолди, лойиха, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550 сонли қарори талаблари асосида ишлаб чиқилган ва энг яхши таклифни танлашни (кейинги матнда – Танлаш) ўтказиш тартибини белгилаб беради.

1.2. Лойиҳанинг тўлиқ номи: АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Самарқанд минтавий филиалининг биносини лойиҳа смета ҳужжатлари асосида жорий таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш.

1.3. Танлаш ўтказиш учун асос: Банк Бошқарувининг 2021 йил 29 декабрдаги 34-сонли Қарори.

1.4. Танлашнинг чегара нархи: 675 215 244 сўм.

1.5. Буюртмачи: АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Самарқанд минтавий филиали. Манзили: 140161, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар, Саттепо маскани 148 А уй

1.6. тел.: (78) 210-02-47, (78) 210-02-48.

1.7. Танлаш комиссиясининг ишчи органи: АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Самарқанд минтавий филиали. Боғланиш учун шахс: Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назорат бўлими бош бухгалтер М.Х.Усанов, тел.: +99893-723-88-93, Бош муҳандис Ш.И.Муртазакулов +99897-613-33-34 [info.samarqand@qqb.uz](mailto:info.samarqand@qqb.uz)

1.8. Танлаш ўтказиш шакли: Очиқ электрон шаклда.

1.9. Электрон танлашни ўтказётган операторнинг номи ва унинг веб-сайтига хавола: ЎзРТХБ, [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz).

1.10. Қурилишни амалга ошириш учун режалаштирилган муддат – 60 календар куни ичида.

1.11. Молиялаштириш манбаи – Буюртмачининг ўз маблағлари.

1.12. Танлашда ушбу ҳужжатда белгиланган шартларни бажарган ва танлаш асосида сотиб олинган хизматларнинг тегишли хажмларини тақдим этиш бўйича тажрибага эга бўлган корхона ва ташкилотлари, шу жумладан кичик бизнес субъектлари (кейинги ўринларда иштирокчи) иштирок этишлари мумкин.

## 2-БОБ. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА БЎЛГАН МАЛАКАВИЙ ТАЛАБЛАР

2.1 Танлов иштирокчиларига қуйидаги малака талаблари қўйилади (ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда ёки талабларга мувофиқлиги тўғрисида ҳужжатли далилларни тақдим этишдан бош тортган тақдирда, иштирокчи танловда қатнашишдан четлаштирилади).

2.2 Малака танлови учун Танлов иштирокчиси танлов таклифи билан биргаликда ушбу танлов ҳужжатининг 1-иловада келтирилган малака ҳужжатларини тақдим этиши шарт.

2.3 Талабгорларнинг малакавий танловида ушбу бобда кўзда тутилган талабларга жавоб бермайдиган ташкилот ва фирмалар танловда иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

2.4 Ушбу бобда кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилиши шарт. Танлаш иштирокчиси кўрсатилган ҳужжатларни тақдим қилмаган тақдирда, харид комиссияси уни танлашда иштирок этишдан четлаштириш ҳуқуқига эга.

2.5 Танлаш иштирокчиси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ танлаш доирасида берилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгардир.

### **3. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ, БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ МУДДАТЛАРИ**

3.1 Танлаш таклифининг амал қилиш муддати танлов таклифларини қабул қилиниши тугаган кундан бошлаб камида 3 ойдан кам бўлмаслиги керак.

3.2 Таклиф доирасида тақдим этилган барча ҳужжатлар давлат, ва заруриятга қараб бошқа тилларида расмийлаштирилиши мумкин. Бошқа тилларда тақдим этилган таклифлар ўзбек ёки рус тилларига таржима қилиниши лозим. Бу ҳолда таржима қилинган ҳужжат ҳаққоний деб ҳисобланади

3.3 Тижорат таклифларни қабул қилиш муддати ва вақти Ўзбекистон товар ҳом-ашё биржасининг [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайтида эълон чиққан кундан бошлаб 5 иш куни ичида.

3.4 Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади.

3.5 Танлаш таклифларини кўриб чиқиш муддати таклифларни қабул қилиш муддати тугаган санадан 10 кун.

3.6 Танлаш таклифларини баҳолаш жараёнида танлов комиссияси танлаш иштирокчиларини тушунтиришлар бериш, қўшимча маълумот ва тасдиқномалар сўраб олишга ҳақлидир.

3.7 Танлаш малака талаблари таклифлари 1-иловага мувофиқ баҳоланади. Танлаш ҳужжатларига мувофиқ тижорат таклифи тақдим этган, энг паст нарх таклиф қилган иштирокчи [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) платформасида автоматик равишда танлаш ғолиби деб топилади.

3.8 Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлганда, танлаш комиссияси бу ҳақида танлаш иштирокчисига хабар бериб, танлаш таклифини рад этишга ёки танлаш таклифини кейинги кўриб чиқиш шартларини белгилашга ҳақлидир.

3.9 Харид комиссияси ва буюртмачи танлаш иштирокчиларининг танлашда қатнашиш билан боғлиқ харажатлари учун моддий жавобгар эмаслар.

3.10 Танлаш ғолиби харид комиссияси баёни тасдиқлангандан сўнг 2 иш кунига мажбурий муҳокамада бўлади. Ушбу икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

3.11 Харид комиссияси ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар танлаш иштирокчиларини хабардор қилган ҳолда исталган вақтда танлашни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

3.12 Электрон танлаш иштирокчиси харид ҳужжати қоидаларига оидинлик киритиш учун танлаш таклифларини қабул қилишнинг якуний санасидан икки кун аввал муддатгача буюртмачига очиқ электрон чат орқали сўров юбориш ҳуқуқига эга. Ушбу сўров олинган кундан бошлаб икки иш куни ичида Буюртмачи очиқ электрон чат орқали тушунтиришлар юбориши шарт. Харид ҳужжати қоидаларининг тушунтиришлари моҳиятини ўзгартирмаслиги керак

1-илова

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАРНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Харид комиссияси танлашни амалга оширади. Агар танлаш иштирокчиси томонидан талаб қилинган маълумотлар тақдим этилмаган бўлса, харид комиссияси уни танлашдан четлаштириш ҳуқуқига эга.

№	Мезонлар	Баҳолаш	Изоҳ
1	Давлат рўйхатидан ўтганлиги ёки СТИР тўғрисидаги ҳужжат. Яққа тартибдаги тадбиркорлар шунингдек паспорт/ID картани ҳам тақдим этади (pdf файлда бириктирилади).	Ҳа(мавжуд) / Йўқ(мавжуд эмас)	Агар Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади.
2	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд бўлмаслиги керак. (Солиқ органларидан олинган маълумотнома бириктирилади.)	Ҳа(мавжуд) / Йўқ(мавжуд эмас)	Агар Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади.
3	Юридик шахслар учун Устав ва бошқа таъсис ҳужжатлари нусхаси (pdf файлда бириктирилади).	Ҳа(мавжуд) / Йўқ(мавжуд эмас)	Агар Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади.
4	Сўнгги ҳисобот йили учун бухгалтерия ҳисоботи ёки аудиторлик ҳулосаси (pdf файлда бириктирилади).	Ҳа(мавжуд) / Йўқ(мавжуд эмас)	Агар Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади.
5	Танлаш иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот (1-шакл) (pdf файлда бириктирилади).	Ҳа(мавжуд) / Йўқ(мавжуд эмас)	Агар Йўқ бўлса ёки тўлиқ маълумот тақдим этилмаса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади.
6	Контрагент эгаллиги тузилмаси, бунга қорхона ташкил этилгандан буён бенефициар мулкӣ эгаларни ҳам ҳисобга олган ҳолда барча мулк эгалари киритилади. Тузилма ва маълумот тақдим этилади. (pdf файлда бириктирилади).	Ҳа(мавжуд) / Йўқ(мавжуд эмас)	Агар Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади.
7	Иштирокчининг 2-шакл бўйича қафолат хати (pdf файлда бириктирилади).	Ҳа(мавжуд) / Йўқ(мавжуд эмас)	Агар Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади.
8	Иштирокчиларнинг таъсисчилари бир хил юридик ёки жисмонӣ шахслар бўлмаслиги ёки бошқа ҳар қандай аффилиланлик ҳолатлари бўлмаслиги. (Электрон жавоб берилади. Иштирокчиларнинг аффилиланлик ҳолатлари Буюртмачи томонидан ҳам мустақил текширилади.)	Ҳа (бундай ҳолат йўқ) / Йўқ (бундай ҳолат мавжуд )	Агар Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади.
9	Танлаш иштирокчиси ўзи фаолият юритувчи тижорат банкларида муддати ўтган ёки суд жараёнидаги кредит қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги керак (Хизмат курсатувчи тижорат банкидан бу борадаги тасдиқланган маълумотнома тақдим этилиши керак.)	Ҳа (маълумотнома мавжуд) / Йўқ (маълумотнома мавжуд эмас)	Агар маълумотнома Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади

10	Танлаш иштирокчиси техник шартларга қатъий мувофиқ қурилиш ишларини амалга оширади (Рози / Норози – электрон шаклда тўлдирилади).	Рози / Норози	Агар Норози бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади.
11	Танлаш иштирокчиси Танлаш хужжатининг IV- бўлими “ШАРТНОМА МАТНИ” да келтирилган шартнома шакли ва матнида шартнома имзолаш розилиги (Рози / Норози – электрон шаклда тўлдирилади).	Рози / Норози	Агар Норози бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади.
12	Коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик (Рози / Норози – электрон шаклда тўлдирилади).	Рози / Норози	Агар Норози бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади.
13	Иштирокчининг якуний бенефициарлари тўғрисида маълумот (3-шакл) (pdf файлда бириктирилади).	Ха(мавжуд) / Йўқ(мавжуд эмас)	Агар Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади.
14	Картатека-2 қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи тижорат банкидан маълумотнома (электрон файл кўринишда бириктирилади)	Ха (маълумотнома мавжуд) / Йўқ (маълумотнома мавжуд эмас)	Агар маълумотнома Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади.
15	Пудрат ташкилоти қурилиш фаолияти давомида сўнги 3 йилда ушбу танлаш ҳажми ва суммасидан кам бўлмаган қурилиш ишларини бажарган бўлиши шарт.(Шартнома, далолатнома ва тавсия хатлари (қурилиш ишларининг санаси ва суммалари кўрсатилган )тақдим этилади )	Ха(бажарган) / Йўқ (бажармаган)	Агар Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади.
16	Қурилиш ташкилотининг рейтинги ВВ ва ундан юқори бўлиши талаб этилади.(pdf файлда бириктирилади).	Ха / Йўқ	Агар Йўқ бўлса, иштирокчи танлашдан четлаштирилади.

Танлаш иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот

1.	Иштирокчининг тўлик номи, ташкилий ҳуқуқий шакли	
2.	Рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида маълумот (рақами ва санаси, рўйхатдан ўтказган орган номи)	
3.	Юридик манзили	
4.	Боғланиш учун телефон рақами, e-mail	
5.	СТИР	
6.	Танлаш натижасида тўловларни амалга ошириш учун банк реквизитлари	
7.	Иштирокчининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган устав капиталнинг миқдори (кўшилган капитал, устав фонди, пай бадаллари ва бошқалар)	
8.	Фаолиятнинг асосий турлари	
9.	Таъсисчилар тўғрисида маълумот (Номи, манзили ва СТИР юридик шахс учун ва/ёки Ф.И.О. жисмоний шахс учун)	

Талаб этилган ёки ўхшаш хизмат кўрсатилганлиги тажрибаси тўғрисида маълумот

№	Хизматнинг номи	Хизмат харидорининг номи, манзили ва боғланиш учун телефон рақамлари	Хизмат кўрсатилган сана	Изоҳ
1				
2				
...				

\_\_\_\_\_ (ваколатли шахс имзоси)

\_\_\_\_\_ (ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)

М.Ў.

Сана: «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г.

2-шакл

## ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№ \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»  
Харид комиссиясига

## КАФОЛАТ ХАТ

Ушбу хат билан \_\_\_\_\_ (ташкilot номи) қуйидагиларни:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатида эмаслигини;
- Бунортмачи билан суд жараёни ҳолатида эмаслигини;
- илгари тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни нотўғри бажариш ҳолатлари йўқлигини;
- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликлар мавжуд эмаслигини;
- шартномани ижро этиш учун зарур бўлган техник, молиявий, моддий, кадр ва меҳнат ресурсларига эгаллигини;
- коррупцион кўринишларига йўл қўйилмаслигини;
- тақдим этилаётган маълумот ва ҳужжатларни ҳаққоний ва ишончлигини тасдиқлаймиз ва кафолат берамиз.

Имзолар:

раҳбарнинг Ф.И.О. \_\_\_\_\_

бош бухгалтернинг Ф.И.О. \_\_\_\_\_

М.Ў.

**Якуний бенефициарлар тўғрисида \_\_\_\_\_**  
**(харидлар иштирокчиси) \***  
**МАЪЛУМОТНОМА**

<b>Т/р</b>	<b>Ф.И.Ш.</b>	<b>Туғилган санаси</b>	<b>Шахснинг роли (раҳбар / таъсисчи / якуний бенефициар)</b>	<b>Шахс раҳбар/ таъсисчи/ якуний бенефициар бўлган давр</b>	<b>Иштирок этиш улуши (фақат 5 фоиздан ортиқ улушга эга таъсисчилар учун), фонзда</b>
1					
2					
3					
4					
5					
6					
7					
...					

\*сўнгги икки йил учун тўлдирилади

Ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Ваколатли шахснинг лавозими \_\_\_\_\_

Маълумотнома тузилган сана \_\_\_\_\_

## II ТЕХНИК ҚИСМИ

### АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Самарқанд минтақавий филиали биносини жорий таъмирлаш бўйича техник топширик

№	Асосий маълумотлар ва талаблар номи	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1	Буюртмачи:	АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Самарқанд минтақавий филиали
2	Қурилиш учун асос:	Банк Бошқарувининг 2021 йил 29 декабрдаги 34-сонли Қарори.
3	Қурилиш тури:	Жорий таъмирлаш
4	Молиялаштириш манбаи:	АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Самарқанд минтақавий филиали ўз ҳисобидан
5	Буюртмачи реквизитлари :	Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар ,Саттепо маскани 148 А уй АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Самарқанд минтақавий филиали Тел:(78) 210-02-47; (78) 210-02-48
6	Лойиҳаланаётган объектнинг талаблари	АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Самарқанд минтақавий филиалининг чакана касса ташкил қилиш бўйича талаблар:
		Банк ходимлари учун махсус ўриндиқлар ва махсус иш столи ва сифатли (бренд) фирма компьютерлар билан таъминлаш
		- мижоз ва банк ходими ўртасида мустақкам тўсиқли ойна ўрнатиш;
		- мижозлар учун юқори сифатли ўриндиқлар ўрнатиш;
		- Бинонинг ичида махсус ойнали тўсиқлар билан ўралган чегаралар ўрнатиш, банк мижозлари учун кутиш зали, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатадиган алоҳида худудлар,(зоналар) универсал касса ва мижозларнинг ўз ўзига хизмат кўрсатиши худудидан иборат бўлиш керак.
		- мижозларга хизмат курсатадиган махсус худудларга мослаштириш,
- мижозларга тез, қулай ва сифатли хизмат кўрсатадиган, мижоз учун кириб чиқиш йулаклари ажратилган бўлиши шарт.		
7	Қурилиш ишларига талаблар	-Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва экспертиза хулосаси асосида банк Бошқаруви қарорида рухсат берилган қийматдан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширилиш лозим. -Ўзбекистон Республикаси худудидаги амалда бўлган норма, меъёр ва қоидаларга мувофиқ бажарилсин.
8	Теңдерга катнашиш истагини билдирган қурилиш ташкилотларига	-Қурилиш ташкилотининг рейтингини ВВ ва ундан юқори бўлиши талаб этилади.

	талаблар	-Пудрат ташкилоти қурилиш фаолияти давомида сўнги 3 йилда ушбу танлаш хажми ва суммасидан кам бўлмаган қурилиш ишларини бажарган бўлиши шарт. -Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд бўлмаслиги; -Танлаш иштирокчиси Танлаш ҳужжатининг IV-бўлими “ШАРТНОМА МАТНИ” да келтирилган шартнома шакли ва матнида шартнома имзоланган розилиги; -Коррупция ҳолатларига йўл қўйилмаслиги лозим. -Танлаш иштирокчиси қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатида бўлмаслиги, Бюролмачи билан суд жараёнида бўлмаслиги ҳамда илгари тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни нотўғри бажариш ҳолатлари йўқлиги.
9	Қурилиш ишларини амалга ошириш муддати	Дастлабки тўлов ўтказилган кундан бошлаб 60 календар куни ичида
10	Қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича талаблар	Ушбу эълонга илова қилинган лойиха -смета ҳужжатлари ҳамда экспертиза ҳулосасига қатъий риоя қилган ҳолда қурилиш ишларини амалга ошириш талаб этилади

### III. НАРХ ҚИСМИ

1. Танлашнинг чегара нархи ҚҚС билан: 675 215 244 (Олти юз етмиш беш миллион икки юз ўн беш минг икки юз қирқ тўрт) сўм.
2. Молиялаштириш манбаи – Бюролмачининг ўз маблағлари.
3. Тўлов шarti: шартнома шартларига асосан.
4. Тўлов валютаси – миллий валюта сўмда.
5. Хизмат кўрсатиш шартлари техник қисм ва шартнома лойихасида кўрсатилган.
6. Хизмат кўрсатиш муддати – 60 календарь куни.
7. Танлаш таклифининг амал қилиш муддати – 90 кун.

## IV. ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ

2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Самарканд шаҳар

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “АТБ Қишлоқ қурилиш банк” Самарканд минтакавий филиали номидан Устав асосида иш кўрувчи А.Ф.Сохибов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган «\_\_\_\_\_» номидан Устав асосида иш кўрувчи директор \_\_\_\_\_ иккинчи томондан, мазкур пудрат шартномасини, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Самарканд минтакавий филиали биносини жорий таъмирлаш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ишларни бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи ўз навбатида Пудратчига ишларни бажариши учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.2. Тарафлар танлов комиссияси 20\_\_ й. \_\_\_\_\_ -сонли баённомасига асосида мазкур қурилиш шартномасини туздилар.

### II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати, нархларда ҚҚС билан жами \_\_\_\_\_ млн..сўмни ташкил этади.

- 95 фоиз миқдоридаги маблағ қурилиш ишларини бажарилган ишларига мутаносиб равишда (АКТ выполнения)га, тегишли ҳужжатлар тақдим этилиб қабул қилинган кундан бошлаб бажарилган ишларнинг 10% чегириб қолинган ҳолда 10 банк иш кунинида ўтказиб берилади. 95% миқдордаги ишдан чегириб қолинган маблағлар қурилиш ишлари якунланиб, қабул қилиш топшириш далолатномаси тузилган кундан бошлаб 10 банк иш кунини ичида ўтказиб берилади

- 5 фоиз миқдоридаги маблағ қурилиш ишлари якунланиб, қабул қилиш топшириш далолатномаси тузилган кундан бошлаб 1 йилдан сўнг, далолатномага асосан ўтказиб берилади.

### III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Мазкур шартнома шартлари бажарилиши бўйича Пудратчининг мажбуриятлари:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) кунлик муддат ичида қурилишни ташкиллаштириш ва ишчи тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва буюртмачи билан келишиш;

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур бўлган мувофиқлик сертификатларига эга қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмларни етказиш, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

буюмларни етказиш, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда, бажариладиган ишларни лойиҳа ҳужжатлари, дастлабки ҳисоб-китоб, шартномавий қиймати асосида олиб бориш;

- лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлмаган ҳолда (лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни қурилиш-монтаж ишлари билан бир вақтда олиб боришга рухсат берилган ёки белгиланган муддатда келишилган/тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларини олинмаган ҳолда) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қурилиш нормалари ва стандартларини қўллаган ҳолда ишларни олиб бориш (лойиҳачи ва буюртмачи билан келишган ҳолда);

- лойиҳа-смета ҳужжатларига киритилган, объектга зарур бўлган (фойдаланувчи ташкилот билан келишилган ҳолда) технологик жихозлар ва мебель инвентарларни етказиб бериш учун ёрдамчи пудратчи ҳамда етказиб берувчиларни (ишлаб чиқарувчи корхоналар) Пудратчи мустақил равишда ўрнатилган тартибда танлаш ва объектни тўлиқ жихозлаш;

- Барча солиқлар, Субпудратчилар, ишчи ходимлар, ёлланма ишчилар, жихозлар ва мебель инвентарларни етказиб берувчи ёрдамчи пудратчилар ҳамда етказиб берувчиларни (ишлаб чиқарувчи корхоналар) олдидаги ҳосил бўладиган қарздорликларни ўз вақтида тўлаш ҳамда ўртада келиб чиқадиган низорларни ўзаро ҳал этиш;

- лойиҳа-смета ҳужжатларига қатъий амал қилиш, лойиҳа-смета ҳужжатларига киритилмаган қўшимча ишлар ва ўзгартиришларни ўз бошимчалик билан бажармаслик, уларни албатта лойиҳачи ва буюртмачи билан келишиш;

- Буюртмачидан объектни қабул қилиб олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида объектнинг ташқи томони ҳамма тарафидан қурилиш ишларини кузатиш имконини берадиган даражада кузатув видеокамераларини ўрнатиш ва Буюртмачига интернет тармоғи орқали кузатиш имкониятини яратиш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик бино-иншоотлар қуриш;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги бўйича зарур тадбирларни ўтказишни таъминлаш ва ишчи ходимлар ёки ёлланган ходимлар, шу жумладан субпудрат ташкилотлари томонидан техника хавфсизлиги таъминланмаган ҳолда жавобгарликни ўз зиммасига олиш, қурилиш даврида атроф-муҳитни, яшил майдонни сақлаш ва ёритиш тизимини ўрнатиш;

- 3 (уч) кундан кам бўлмаган муддатда топширишга тайёр конструкциялар ва беркитилладиган ишлар тайёрлигини ҳамда кейинчалик мазкур ишларни, тасдиқловчи далолатномалар асосида топширилиши бўйича Буюртмачига хабар бериш;

- ишлар бошланган даврдан бошлаб ва тугагунига қадар белгиланган шаклда ишлар бажариш журналинини олиб бориш, унда қурилиш ишлари ҳам пудратчининг ўзи, ҳам жалб қилинган субпудратчилар томонидан қайд этилади ва ишлар тугагунидан сўнг ваколатли шахс томонидан ишлар бажариш журналинини тасдиқланиб, Буюртмачига тақдим қилинади;

- бажарилган ишларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб, 1 (бир) ой ичида қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш ва объектни тозалаш;

- қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

- қурилиш майдонини хавфсизлигини таъминлаш;
- Буюртмачининг биринчи талабига асосан буюртмачидан олинган маблағларни мақсадли сарфланиши бўйича молиявий ҳисоботни (тасдиқловчи ҳужжатлар билан) тақдим қилиш;

- ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ бажариш;

3.2. Пудратчи Буюртмачи олдида объектда бажарилган ишларни тўлиқ ўз кучи ва/ёки субпудратчи томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилганлигига ва объект бўйича Давлат қабул комиссиясига (ШНК 3.01.04-04) тақдим қилиш учун тайёргарлигини кўрсатувчи Ишчи қабул комиссияси далолатномаси билан 5.2.-бандда кўрсатилган муддатларда топширишга мулкый жавобгар ҳиобланади.

3.3. Пудратчи ушбу шартнома бўйича объектни фойдаланишга топширилгунига қадар эгалик ҳуқуқини сақлаб қолади. Буюртмачига топширилгунга қадар пудратчи объектни тасодифий йўқ қилиш ва бузиш хавфини ўз зиммасига олади.

3.4. Қурилиш учун ажратилган маблағларни белгиланган мақсадларда ишлатиш.

3.5. Қурилиш майдонини тозалаш ва тегишлича санитария ҳолатини таъминлаш.

3.6. Пудратчи жалб қилинган ишчилар олдида амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш, қурилиши майдонида ишлаш ва дам олиш учун нормал шароитлар яратиш ва иш ҳақи учун ўз вақтида ҳақ тўлашни таъминлаш учун жавобгар.

3.7. Пудратчи объектда ишларни бажариш учун жалб қилинган ишчиларнинг хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш бўйича жавобгардир ва ходимлар томонидан технологик ва ишлаб чиқариш интизомининг бузилишини олдини олиш учун тегишли чораларни кўради ва қонун олдида ўрнатилган тартибда жавоб беради;

#### **IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Мазкур шартнома шартлари бажарилиши бўйича буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунга қадар бўлган даврга Пудратчига тақдим қилиш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш. Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- пудратчининг барча мурожаатларини ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- Давлат экспертизасидан ўтган лойиҳа-смета ҳужжатларини Пудратчига тақдим қилиш;

- ушбу шартноманинг 6-бўлимига мувофиқ, объект бўйича пудратчига Молия органлари томонидан маблағлар ажратилгандан сўнг ва Буюртмачининг объект учун очилган махсус ҳисоб рақамига маблағлар келиб тушган даврдан бошлаб молиялаштиришни амалга ошириш;

- объектда бажариладиган ишлар устидан техник назорат олиб бориш;

- ўрнатилган тартибда Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ бажариш;

#### 4.2. Буюртмачи:

- молиялаштирилган маблағларни мақсадли сарфланиши бўйича Пудратчидан молиявий ҳисобот талаб қилиш;
- Қурилиш учун ажратилган маблағлар Пудратчи томонидан белгиланган мақсадларга сарфланмаганлиги аниқланганда маблағларни ундириш юзасидан Самарканд туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишга;
- Пудратчи томонидан ижро ҳужжатлари тақдим қилинмаганда ёки лозим даражада тақдим қилинмаганда бажарилган ишларни қабул қилишни рад қилиш;
- объектда қурилиш-монтаж ишларининг исталган босқичда назорат ўлчовини ўтказиш;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари бузилган ҳолда Пудратчини хат билан огохлантириб, шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини ўрнатилган тартибда Пудратчи томонидан қўйилган камчиликларни бартараф этмагунига қадар тўхтатиш;
- амалдаги қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳуқуқларга эга.

### **V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ ВА ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

5.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва тарафлар ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

5.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар Пудратчи томонидан иш жадвалига мувофиқ куйидаги муддатларда амалга оширилади:

Ишнинг бошланиши – \_\_\_\_\_ 2022й.;

Ишни якунлаш – \_\_\_\_\_ 2022 й..

5.3. Пудратчи шартномани имзолаган кундан бошлаб ишни бошлашга ва ишни муддатидан олдин бажаришга ҳақлидир.

### **VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 15 фоизи миқдоридаги маблағни 5 (беш) банк иш кунидан кечиктирмаган ҳолда аванс маблағини ўтказиши.

Тарафлар томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган объектда бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги ҳисоб-фактуралар жорий молиялаштириш учун асос ҳисобланади.

6.3. Объектда бажарилган ишлар қийматининг 5 (беш) фоизини тўлаш, ушбу шартномада назарда тутилган кафолат муддати тугаганидан кейин (фойдаланувчи ташкилотдан камчиликлар мавжуд эмаслиги тўғрисида далолатнома ва бошқа тегишли ҳужжатлар буюртмачига тақдим этилгандан сўнг) ҳамда буюртмачининг объект бўйича шахсий ҳисоб рақамига маблағлар келиб тушгандан сўнг, амалга оширилади.

### **VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

7.1. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.2. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

7.3. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

7.4. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

7.5. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Бунда қурилиш даврида электр, сув, газ ва бошқа коммунал хизматлардан вақтинча фойдаланганлик учун сарфланган харажатларни Пудратчи ўз маблағларидан қоплайди.

7.6. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.

7.7. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари билан тасдиқланади.

7.8. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

7.9. Агар Буюртмачи Пудратчи томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Сифатсиз бажарилган ишлар ва уларни тузатиш Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида икки томонлама далолатнома асосида бажарилади.

7.10. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча йўл чизмасини (полосасини), шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни тозалаб ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш чиқиндисини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

7.11. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарларини (журнал) юритади.

Пудратчи дафтарларда (журнал) Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7.12. Пудратчиларнинг солиқлар, субпудратчилар, ишчи ходимлар, ёлланма ишчилар, жихозлар ва мебель, инвентарларни етказиб берувчи ёрдамчи пудратчилар ҳамда етказиб берувчиларни (ишлаб чиқарувчи корхоналар) олдидаги ҳосил бўладиган қарздорликларни ўз вақтида тўланмаганлиги ҳамда улар ўртасида келиб чиқадиган низорларни ҳал этиш масалалари Буюртмачи мажбуриятига кирмайди;

7.13. Пудратчи шартномада белгиланган муддатларда объектни фойдаланишга топширилгандан сўнг, 1 ойдан кечиктирмаган ҳолда якуний ҳисоб-фактурасини расмийлаштиришга мажбур. Акс ҳолда Буюртмачи объектни якуний қиймати этиб, объектни фойдаланишга топширилган вақтдаги қийматини қўйишга ҳақли.

## **VIII. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

8.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар атрофи ўралган (тўсилган) қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди. Қурилиш даврида объектга видеокамера мосламаларини ўрнатади.

8.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда ўзайтирилади.

9.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳофаза қиладилар.

9.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **X. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

10.1. Қурилиши тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тарафлар бажаргандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг амалдаги қоидаларига (ШНК 3.01.04-04) биноан амалга оширилади.

10.2. Объектни қабул қилиш Буюртмачи уни фойдаланишга топширишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчидан ёзма хабарнома олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида амалга оширилади.

10.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин Буюртмачига ушбу шартноманинг 4.1.- бандига биноан Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини топширади. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

10.4. Қабул қилинган кундан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XI. КАФОЛАТЛАР**

11.1. Пудратчи қуйидагиларга кафолат беради:

- барча ишларни тўлиқ хажмда ва ушбу шартнома шартларида белгиланган муддатларда ва амалдаги конунчиликка мувофиқ бажаришга;
- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ, барча ишларни бажариш сифатига;
- қурилишда ишлатиладиган қурилиш материаллари, ускуналар ва бутловчи қисмлар, конструкция ва тизимлар сифати, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигига;
- ишларни қабул қилиш пайтида ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишга;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналар, ишлаш қоидаларига мувофиқ ишлашига.

11.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллар ва ишларнинг қафолат муддати, томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади.

11.3. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига мос равишда узайтирилади.

11.4. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

11.5. Нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш Пудратчи томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Агар Пудратчи шикоят далолатномасида кўрсатилган муддатда бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва камчиликларни, шу жумладан ускуналарнинг мумкин бўлган нуқсонларини бартараф этмаса, Буюртмачи ушбу шартноманинг 6.3-бандида назарда тутилган қафолат миқдорини Пудратчидан ушлаб қолишга ҳақлидир.

## **XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

12.1. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга ошган ҳолда, Пудратчи томонидан қурилиш ишларини бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари, қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифатини пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа асосларда.

12.2. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишини талаб қилишга ҳақлидир:

- Буюртмачи томонидан ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа асосларда.

12.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

12.7. Пудратчи томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, Буюртмачи агар Пудратчини ишдан четлаштириш ва тендер комиссиясининг қарорини бекор қилиш тўғрисида тендер комиссиясининг баённомаси мавжуд бўлса, шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир.

### **XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

13.1. Тарафлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликни ўз зиммасига олади.

13.2. Буюртмачи томонидан ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун мулкий жавобгарликни ўз зиммасига олади, шу жумладан:

13.2.1. Буюртмачи бажарилган иш учун тўловларни кечиктиргани учун Пудратчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлайди, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.

13.2.2. Белгиланган тартибда қабул қилинган, бажарилган иш учун тўлашдан асоссиз равишда тўлиқ ёки қисман рад этган тақдирда, Буюртмачи Пудратчига у рад этган ёки ундан қочган сумманинг 5 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

13.2.3. Шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда рад этган тақдирда, Буюртмачи Пудратчига “Қурилиш соҳасида Самарканд шаҳар ҳудудий назорат инспекцияси”нинг ижобий хулосаси бўлган тақдирда, у рад этган ёки тасдиқламаган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

13.3. Пудратчининг ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Пудратчи мулкий жавобгарликни ўз зиммасига олади, шу жумладан:

13.3.1. объектни ушбу шартноманинг 5.2-банди кўрсатилган муддатда фойдаланишга топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

Агар Пудратчи ушбу объект бўйича ишларни ўз вақтида яқунлаган бўлса, лекин ушбу шартноманинг 3.2-бандига асосан шартнома шартларини бажармаган бўлса, у ҳолда Пудратчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробари миқдорида жарима тўлайди, бунда жариманинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

13.3.2. Агар бажарилган ишлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, лойиха ҳужжатларига, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар учун жарима пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига ишларнинг сифати лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

13.3.3. Ишни бажаришда ва объектни қабул қилишда Пудратчи томонидан йўл қўйилган ва Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этишнинг кечикиши учун шикоят далолатномасида белгиланган муддатларда Пудратчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида жарима тўлайди, лекин нотўғри бажарилган ишларнинг шартнома қийматининг 5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.

13.3.4. Агар пудратчи шикоят далолатномасида белгиланган муддатларда камчиликларни бартараф этмаган бўлса, Буюртмачи ушбу шартноманинг 13.3.2. ва 13.3.3.- бандларига мувофиқ жаримага тортиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолган ҳолда, ўзи ёки бошқа Пудратчи томонидан дастлабки камчиликларни бартараф этиш ҳуқуқига эга.

13.3.5. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги учун ушбу моддада назарда тутилган санкциялардан ташқари, шартномани бузган томон бошқа томонга у қилган ҳаражатлар, мол мулкнинг йўқолиши ёки зарарланиши, шу жумладан йўқолган фойдалар, жарималар ва жарималар билан қопланмаган зарарни қоплайди.

13.3.6. Кечиктирилганлиги ёки бошқа нотўғри бажарилганлиги учун жарималар ва пеняларни тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

14.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

14.2. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар Самарканд туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

#### **XV. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШ КЕЛИШУВИ (оговорка)**

15.1 Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, уларнинг филиаллари, ходимлари ёки воситачилари тўғридан-тўғри ёки билвосита бирон бир шахснинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун ҳар қандай нотўғри фойда олиш ёки бошқа номувофиқ мақсадлар учун ушбу шахслар пул ёки қимматбаҳо нарсаларни тўламаслик, тўлашни таклиф қилмаслик ёки тўлашга руҳсат бермаслики лозим.

15.2 Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда, Томонлар, уларнинг филиаллари, ходимлари ёки воситачилари ушбу шартнома мақсадлари учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган пора бериш/олиш, тижорий пора бериш каби ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Амалдаги қонунчилик ва жинойтдан олинган

даромадларни легаллаштиришга (ювиш) қарши курашиш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузмаслик.

15.3 Агар Томонлардан бири ушбу банднинг ҳар қандай қоидаларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, тегишли Томон бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тегишли Томон ёзма равишда хабардор қилинган тақдирда, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни бузилиш содир бўлмагани ёки бўлмаслиги тасдиқланмагунча тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқлаш ёзма хабар юборилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида юборилиши керак.

15.4 Ёзма билдиришномада Томон контрагент, унинг филиали, ходимлари ёки воситачилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатларида пора бериш ёки олиш, тижорат порахўрлик, шунингдек жиноятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича амалдаги қонунлар ва халқаро ҳужжатлар талабларини бузувчи ҳаракатлар содир этишда ҳамда ҳар қандай қоидаларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлганлигини ишончли тасдиқлайдиган ёки тахмин қилиш учун асос берадиган фактларга мурожаат қилиши ёки материалларни тақдим этиши шарт.

15.5 Томонлардан бири 12.1-бандда тақиқланганлардан воз кечиш мажбуриятларини бузган тақдирда, ушбу шартномада ва/ёки бошқа томон иккинчи томонидан ушбу шартномада белгиланган муддатда бузилиш содир бўлмагани ёки бўлмаслиги тўғрисида тасдиқнома олмаган тақдирда, бошқа Томон шартномани бир томонлама тартибда тўлиқ ёки қисман тугатиш тўғрисида ёзма хабарнома ҳақли. Ушбу Шартнома Коррупсияга қарши кураш тўғрисидаги бандга мувофиқ ташаббуси билан бекор қилинган Томон бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

## **XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдачи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

16.3. Мазкур шартнома бўйича барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва тарафлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни, тарафлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.6. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолларда, амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга 2 асл нусхада имзоланган.

16.8. Пудрат шартномасига илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати:

Ишларни бажариш ва молиялаштириш жадваллари.

**XVI. ТАРАФЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:**

<b>Буюртмачи</b>		<b>Пудратчи</b>
<b>АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”</b> <b>Самарканд минтакавий филиали</b> ИНН: 201217086 Х/Р: 16103000400000287001 МФО: 00287 Манзил: Самарканд шаҳар Телефон: (78) 210-02-47 (78) 210-02-48 Бошқарувчи: А.Ф.Сохибов		

2022 йил "\_\_\_" \_\_\_\_\_  
-сонли шартномага  
1-Илова

«\_\_\_\_\_» объекти бўйича

### ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

№	Объектнинг номи	Шартнома бўйича ишларнинг қиймати	шу жумладан 2022 йил бўйича						
1	Қурилиш ишлари								

#### БУЮРТМАЧИ:

Қўрағондаги қишлоқ ҳудудлари бўйича  
бўса мундоғавасе *Абдул* И. Иброҳимов

Бсау бухгалтер

#### СУДРАТЧИ:

Қишлоқ ҳудудлари

*Абдул*  
*И. Иброҳимов*

И.Х. Умаров

Г.Ж. Мадров